



PROBLEMS OF ENSURING THE PROCEDURAL RIGHTS OF MINOR VICTIMS AND WITNESSES IN TRIAL PROCEEDINGS

Jurabek Mukhtorovich Tojiyev

Independent Researcher

Academy of Justice

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: minor victim, minor witness, child-friendly justice, secondary victimization, special procedural regime, protective court order, compensation, procedural safeguards.

Received: 28.03.26

Accepted: 29.03.26

Published: 30.03.26

Abstract: This article analyzes the challenges of ensuring the procedural rights of minor victims and witnesses during trial proceedings. Although current criminal procedure legislation provides certain safeguards, it does not establish a comprehensive child-friendly justice regime. Particular attention is paid to the risks of secondary victimization, disproportionate procedural time limits, the lack of specialized protective measures, and ineffective compensation mechanisms. Based on international standards, the author proposes the introduction of a unified special procedural regime, the institutionalization of protective court orders, and the strengthening of procedural guarantees aimed at safeguarding the best interests of the child.

СУД МУҲОКАМАСИДА ЖАБРЛАНУВЧИ ВА ГУВОҲ СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Жўрабек Мухторович Тожиёв

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: вояга етмаган жабрланувчи, вояга етмаган гувоҳ, болага мос одил судлов, қайта жароҳатлаш, махсус процессуал режим, тақиқловчи суд

Аннотация: Мазкур мақолада суд муҳокамасида жабрланувчи ва гувоҳ сифатида иштирок этувчи вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини

ажрими, компенсация, процессуал таъминлаш масалалари таҳлил қилинади. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда болаларга оид нормалар мавжуд бўлса-да, улар болага мос ягона процессуал режимни шакллантирмагани асосланади. Қайта жароҳатлаш хавфи, процессуал муддатларнинг номуносивблиги, махсус хавфсизлик чораларининг етарли эмаслиги ҳамда компенсация механизмларининг самарасизлиги илмий жиҳатдан баҳоланади. Халқаро стандартлар асосида болага нисбатан дўстона одил судлов моделини жорий этиш, тақиқловчи суд ажримлари институтини мустаҳкамлаш ва махсус процессуал қафолатлар тизимини шакллантириш таклиф этилади.

ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ ПРАВ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ПОТЕРПЕВШИХ И СВИДЕТЕЛЕЙ В СУДЕБНОМ РАЗБИРАТЕЛЬСТВЕ

Журабек Мухторович Тожиев

*Независимый исследователь Академии правосудия
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: несовершеннолетний потерпевший, несовершеннолетний свидетель, правосудие, дружественное ребенку, вторичная виктимизация, специальный процессуальный режим, защитный судебный приказ, компенсация вреда.</p>	<p>Аннотация: анализируются проблемы обеспечения процессуальных прав несовершеннолетних потерпевших и свидетелей в судебном разбирательстве. Отмечается, что действующее уголовно-процессуальное законодательство содержит отдельные гарантии, однако не формирует целостного режима правосудия, дружественного ребенку. Рассматриваются вопросы вторичной виктимизации, несоразмерности процессуальных сроков, отсутствия специальных мер безопасности и эффективных механизмов компенсации вреда. На основе международных стандартов предлагается внедрение специального процессуального режима, института защитных судебных приказов и системы дополнительных гарантий, ориентированных на наилучшие интересы ребенка.</p>	<p>В статье говорится о проблемах обеспечения процессуальных прав несовершеннолетних потерпевших и свидетелей в судебном разбирательстве. Отмечается, что действующее уголовно-процессуальное законодательство содержит отдельные гарантии, однако не формирует целостного режима правосудия, дружественного ребенку. Рассматриваются вопросы вторичной виктимизации, несоразмерности процессуальных сроков, отсутствия специальных мер безопасности и эффективных механизмов компенсации вреда. На основе международных стандартов предлагается внедрение специального процессуального режима, института защитных судебных приказов и системы дополнительных гарантий, ориентированных на наилучшие интересы ребенка.</p>
---	--	---

Кириш. Жиноят процессида вояга етмаганларнинг иштирок этиши, айниқса улар жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида қатнашганда, ҳуқуқий ҳимоянинг алоҳида ва кучайтирилган механизмларини талаб этади. Мазкур тоифадаги шахслар ёш, психоэмоционал ҳолат ва ижтимоий заифлик сабабли катталарга нисбатан анча ҳимояга муҳтож ҳисобланади.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда вояга етмаганларга оид айрим кафолатлар мавжуд бўлса-да, улар болага мос ягона ва комплекс процессуал режимни шакллантирмайди. Натижада, қайта жароҳатлаш (secondary victimization), процессуал босим, ахборот етишмаслиги ва хавфсизлик чораларининг етарли эмаслиги каби муаммолар юзага келмоқда.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики боланинг жиноят процессидаги мақоми анъанавий процессуал иштирокчи сифатида эмас, балки алоҳида ҳимояга муҳтож субъект сифатида қаралиши лозимлиги таъкидланади. Қатор хорижий олимлар боланинг процессуал ҳуқуқларини таъминлашда институционал иштирокчиларнинг роли фақат формал эмас, балки фаол ва кафолатловчи характерга эга бўлиши кераклигини асослаб берган. Жумладан, Ursula Kilkelly ўз ишларида боланинг энг устун манфаатлари принципи (best interests of the child) жиноят процессида марказий ўрин тутиши лозимлигини таъкидлайди. У болалар иштирокидаги суд жараёнлари “child-friendly justice” тамойиллари асосида ташкил этилиши кераклигини илмий жиҳатдан асослаб беради.

Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларда, жумладан, болалар – жабрланувчи ва гувоҳларга оид раҳбарий тамойилларда, жиноят процессида боланинг энг устун манфаатлари принципи асосий мезон сифатида белгиланади. Шу билан бирга, Европа давлатлари амалиётида мустақил бола вакили институти, психологик қўллаб-қувватлаш механизмлари ва махсус процессуал тартиблар самарали қўлланилаётгани қайд этилади.

МДҲ давлатлари ва Ўзбекистон ҳуқуқшунослигида ҳам мазкур масалага бағишланган тадқиқотлар мавжуд бўлиб, уларда асосан вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, процессуал кафолатлари ва суд амалиётидаги айрим муаммолар таҳлил қилинган. Бироқ мавжуд илмий ишлар кўпроқ алоҳида институтлар ёки нормалар доирасида олиб борилган бўлиб, институционал иштирокчиларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг бола ҳуқуқларини таъминлашдаги комплекс роли етарли даражада очиб берилмаган.

Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқот жиноят процессида институционал иштирокчиларнинг фаолиятини комплекс ёндашув асосида таҳлил қилиш орқали мавжуд илмий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Тадқиқотнинг мақсади — суд муҳокамасида вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлашдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва халқаро стандартлар асосида уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Материал ва методлар. Тадқиқотда суд муҳокамасида жабрланувчи ва гувоҳ сифатида иштирок этувчи вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бўйича қонунчилик нормалари ва ҳуқуқшунос олимларнинг илмийназарий қарашларидан фойдаланилди ҳамда қиёсий-ҳуқуқий усул, таҳлил, синтез, кузатиш, умумлаштириш, индукция ва дедукция методлари қўлланилди.

Тадқиқот натижалари. Жабрланувчи ва гувоҳ сифатида иштирок этувчи вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш БМТнинг Жиноятлардан жабр кўрган ва гувоҳ сифатида иштирок этувчи болаларга оид одил судловни амалга ошириш бўйича раҳбарий тамойилларига асосланиши зарур. Жумладан:

а) кадр-қиммат. Ҳар бир бола — ўзига хос ва юксак кадриятга эга бўлган инсон шахси бўлиб, унинг шахсий кадр-қиммати, алоҳида эҳтиёжлари, манфаатлари ҳамда шахсий ҳаёти ҳурмат қилиниши ва ҳимояланиши лозим.

б) камситишга йўл қўймаслик. Ҳар бир бола ирқий ёки этник мансублиги, тери ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, соғлиқ ҳолати, шунингдек боланинг ўзи, унинг ота-онаси ёки қонуний васийлари туғилишига оид ҳолатлар ёхуд бошқа ҳар қандай ҳолатлардан қатъи назар, адолатли ва тенг муносабатда бўлиш ҳуқуқига эга.

с) боланинг энг манфаатларини устувор таъминлаш. Жиноят содир этганликда айбланувчи ёки ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда, ҳар бир бола ўз манфаатларининг энг устувор тарзда таъминланишига бўлган ҳуқуққа эга бўлиб, бу ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳамда барқарор ва уйғун ривожланиш имкониятини қамраб олади:

и) ҳимоя. Ҳар бир бола ҳаёт ва кейинги мавжудлик ҳуқуқига, шунингдек ҳар қандай турдаги маҳрум қилиш, суиистеъмол ёки эътиборсизликдан, жумладан жисмоний, психологик, ақлий ва эмоционал зўравонлик ҳамда бепарволикдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

ii) уйғун ривожланиш. Ҳар бир бола жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ўсиши учун зарур бўлган ҳаёт даражасини сақлаш ва уйғун ривожланиш имкониятига эга. Жароҳат олган бола ҳолатида, унинг одатий шароитларда ривожланишини таъминловчи барча чоралар кўрилиши лозим.

d) иштирок этиш ҳукуки. Ҳар бир бола, миллий қонунчиликнинг процессуал нормаларини ҳисобга олган ҳолда, ўз қарашлари, фикрлари ва эътиқодларини эркин ифода этишга ҳамда, хусусан, унинг ҳаётига дахлдор қарорларни қабул қилиш жараёнларида, жумладан ҳар қандай суд муҳокамаси давомида иштирок этишга, шунингдек ўз фикрларининг боланинг имкониятлари, ёши, интеллектуал етуқлиги ва ривожланаётган қобилиятларига мувофиқ инобатга олинишини талаб қилишга ҳақли.

Болалар жиноят қурбони ва/ёки гувоҳ сифатида жиноят ишларидаги иштироки болалар ҳуқуқлари бўйича илмий адабиётларда муҳокама қилинса-да, мазкур масала Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда махсус тарзда тартибга солинмаган [1, Б. 232–268].

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Қонунига мувофиқ давлат боланинг шахси, уй-жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатация ва зўравонликнинг барча шаклларида, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноқларга солишдан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шахвоний шилқимликлардан, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилишидан ҳимоя қилинишини амалга оширади [7].

Жиноят қурбонига айланган боланинг руҳий азоблари катта ёшли инсоннинг азоблари билан қиёслаб бўлмайди. Бундай азоблар анча кучли ва оғир кечади, чунки болада психотравматик вазиятда ички ҳолатини барқарорлаштиришга имкон берадиган зарур психологик тўсиқ (стрессга чидамлик) шакланмаган бўлади. Ҳаётининг тажрибанинг камлиги ва таълим даражасининг етарли эмаслиги сабабли жиноят қурбони бўлган бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустақил равишда ҳимоя қилишда жуда катта қийинчиликка дуч келади. Ушбу вазифани ҳал этиш учун тўлиқ масъулият давлат зиммасига юкланади.

Боланинг шахсий ҳаётига аралашув одил судловни амалга ошириш жараёнининг одилона ва тенг яқунланишини таъминлаш мақсадида далилларни тўплашнинг юқори стандартлари сақланган ҳолда, зарур бўлган энг кам даража билан чекланиши лозим [5].

Ўзбекистонда жиноят ишлари бўйича жабрланувчи ёки гувоҳнинг ёшига кўра тизимлаштирилган алоҳида суд статистикаси юритилмайди. Шу сабабли, тадқиқот

жараёнида жиноят процессида иштирок этувчи вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳлар сони тўғрисида тўлиқ ва қамровли маълумотларни олиш имкони мавжуд бўлмади.

Вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг жиноят суд иш юритувида иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида, уларнинг ўзлари ҳамда уларнинг ота-оналари вояга етмаганларнинг жабрланувчи ёки гувоҳ сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жиноят адолатини амалга ошириш тартиб-таомиллари, мазкур тартиб-таомилларда вояга етмаганларнинг роли, шунингдек мавжуд кўллаб-қувватлаш хизматлари тўғрисида дарҳол ва тегишли тарзда хабардор қилиниши лозим. БМТнинг раҳбарий тамойилларига мувофиқ, вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳлар тергов ва суд муҳокамасининг барча босқичларида улар учун тушунарли тилда ҳамда ёши ва руҳий етуқлигига мос шаклда тегишли ахборот, маслаҳат ва ёрдамни дарҳол олишлари шарт [5]. Бирок, ўрганилган жиноят ишларида вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳлар учун тушунарли тилда ҳамда ёши ва руҳий етуқлигига мос шаклда тегишли ахборот берилганлиги кўринмайди, аксарият ҳолларда умумий тартибдаги хабарномалардан фойдаланилади.

Айниқса, жиноят содир этган шахсдан моддий ва маънавий зарарни ундириш тартиби ва кафолатланган имкониятлар тушунтирилмаслиги албатта жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари тикланишига тўсқинлик қилади.

Шу билан бирга, ота-оналарга ахборот тақдим этилиши вояга етмаган шахснинг ўзига ахборот етказишнинг ўрнини босмаслиги лозим [5].

ЖПКнинг 54-моддаси 2-қисмига мувофиқ, жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади.

Халқаро стандартлар, шунингдек, вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳлар жиноят тўғрисидаги дастлабки хабар берилган пайтдан бошлаб ва кейинги барча босқичлар давомида махсус тайинланган шахс — ижтимоий ходим томонидан ёрдам олишлари лозимлигини тавсия қилади.

Бирок, ўрганилган жиноят ишларида вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ижтимоий ходим, васийлик ва хомийлик органлари вакиллари қатнашганлиги аниқланмади.

ЖПКнинг 60-моддасида гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун худди ўша қарор ёхуд ажрим билан адвокатни жалб этиш чоралари

кўрилиши белгиланган. Бироқ, гувоҳга нисбатан бундай талаб мавжуд эмас, ҳуқуқни қўллаш амалиётида амалда гумон қилинувчи ёки жабрланувчи бўлган шахс ҳам гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкинлигини инобатга олсак, мазкур ҳолатда вояга етмаганнинг процессуал ҳуқуқлари чекланганлигини кўришимиз мумкин.

Вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳ иштирокидаги жиноят ишларида давлат органлари боланинг қайта травматизациясига йўл қўймаслик бўйича алоҳида процессуал мажбуриятга эга. Тергов ҳаракатларини такрорлаш, болани айбланувчи билан тўғридан-тўғри мулоқотга киритиш ёки психологик ҳимоя чораларини қўлламаслик боланинг ҳуқуқларини бузиш сифатида баҳоланади [2, Б. 142–145].

Халқаро стандартларга кўра, вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек уларга нисбатан қўшимча зарар етказилиши, таҳдидлар ва қасос олиш ҳаракатларидан ҳимоя қилиш мақсадида махсус чоралар кўрилиши зарур.

Агар вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳнинг хавфсизлиги таҳдид остида бўлса, қонун адолатни амалга ошириш жараёни давомида ҳамда у тугалланганидан сўнг ҳам уларни ҳимоя қилиш учун тегишли муҳофаза чораларини назарда тутиши лозим [9].

Халқаро стандартларга мувофиқ, вояга етмаганларни ҳимоя қилишда суд томонидан қўлланиладиган тақиқловчи ажримлар нафақат жисмоний хавфсизликни таъминлаш, балки боланинг психологик барқарорлигини сақлаш, қайта травматизациянинг олдини олиш ҳамда унинг процесда эркин ва қўрқувсиз иштирок этиши учун зарур шароит яратишга қаратилган бўлиши лозим. Масалан, бундай ажримлар орқали жиноят содир этган шахснинг вояга етмаган билан тўғридан-тўғри ёки билвосита мулоқотга кириши, унинг яшаш ёки ўқиш жойига яқинлашиши, алоқа воситалари орқали боғланиши тақиқланиши мумкин.

Миллий қонунчиликда айрим чекловчи чоралар назарда тутилган бўлса-да, улар асосан умумий характерга эга бўлиб, вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларнинг махсус эҳтиёжларини ҳисобга олган алоҳида тақиқловчи суд ажримлари институти тизимли равишда шакллантирилмаган. Амалда бундай чекловлар кўпроқ эҳтиёт чоралари ёки маъмурий-ҳуқуқий воситалар доирасида қўлланилиб, боланинг психологик ва ижтимоий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мустақил процессуал механизм сифатида қаралмайди.

Бу эса боланинг жиноят процессидаги хавфсизлигини таъминлашда суднинг ролини чеклаб қўяди ва муҳофаза қилиш вазифасини асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

ихтиёрига топширади. Халқаро тажрибада эса, аксинча, айнан суд тақиқловчи ажримлар орқали бола манфаатларини ҳимоя қилишнинг марказий субъекти ҳисобланади.

Шу боис, вояга етмаган иштирокчиларни ҳимоя қилиш мақсадида тақиқловчи суд ажримларини қўллашни жиноят-процессуал қонунчиликда мустақил ва алоҳида институт сифатида назарда тутиш, уни қўллаш асослари, тартиби ва муддатларини аниқ белгилаш зарур. Бундай ёндашув боланинг жиноят процессида хавфсиз иштирок этишини таъминлаш билан бир қаторда, халқаро стандартларда белгиланган болага нисбатан дўстона одил судлов тамойилларини миллий қонунчиликка интеграция қилишга хизмат қилади.

Халқаро стандартларда (айниқса БМТнинг болалар — жабрланувчи ва гувоҳларга оид раҳбарий принципларида) болага етказилган зарар учун жавобгарлик фақат айбдорни жазолаш билан чекланмаслиги қатъий белгиланган. Асосий эътибор вояга етмаганга етказилган зарарни тўлиқ компенсацияси, ижтимоий реинтеграцияси, психологик ва жисмоний тикланишига қаратилиши зарур. Бу ёндашув жазоловчи одил судловдан фарқли равишда қайта тикловчи (restorative) одил судлов концепциясига асосланади.

Вояга етмаган жабрланувчига нисбатан етказилган зарар фақат моддий эмас, балки психологик ва ижтимоий характерга эга.

Шу сабабли, компенсация пул тўлови билан чекланмаслиги, боланинг ривожланиш жараёнига интеграция қилинган комплекс чоралардан иборат бўлиши лозим.

Раҳбарий принципларнинг 36-бандида қайд этилганидек, компенсацияни олиш тартиб-таомиллари содда, болалар манфаатларини ҳисобга олган, ортиқча формал тўсиқлардан холи бўлиши шарт [8].

Аммо амалдаги қонунчиликда компенсация масаласи асосан фуқаровий даъво институти, умумий ижро механизми доирасида ҳал қилинади. Бу эса бола учун процессуал жиҳатдан мураккаб, психологик жиҳатдан оғир, амалда эса самарасиз.

Раҳбарий принциплар компенсация манбаларини фақат жиноят содир этган шахс томонидан томонидан реституция (суд ҳукми асосида) тартиби ундириш билан чекламайди, балки давлат компенсация дастурлари, фуқаролик суд ишлари юритуви доирасида қоплашни назарда тутади. Муҳим жиҳати компенсация ва тиклаш харажатлари жарималардан олдин ундирилиши лозимлиги давлатнинг болалар олдидаги ижобий мажбуриятини ифодалайди. Агар айбдор тўлай олмаса — давлат вақтинча компенсацияни таъминлаши, кейин регресс тартибида ундириши лозим [5].

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлаши, уларга

етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратиши кўзда тутилган бўлишига қарамасдан, вояга етмаганларга етказилган зарарни компенсация қилиш механизмлари мавжуд эмаслигини таъкидлаш ўринли.

Раҳбарий принципларга кўра болалар манфаатлари таъминланган ҳолда медиация, реституция, келишувлар қўлланилиши мумкин. Бироқ бу фақат боланинг розилиги, психологик хавфсизлик таъминланган, мажбурловсиз шароитда амалга оширилиши лозим.

Биобарин, вояга етмаган — жабрланувчилар учун компенсация институти айбдор шахсни жазолашга нисбатан иккинчи даражали ёки қўшимча элемент эмас, балки боланинг бузилган ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик ҳолатини тиклашга қаратилган мустақил ҳуқуқий механизм ҳисобланади. Миллий қонунчиликда мазкур институтнинг болага мос, тезкор ва самарали шаклда тартибга солинмаганлиги халқаро стандартларга мос келмайди.

Амалдаги ЖПКда жабрланувчининг ҳуқуқлари умумий тарзда белгиланган бўлиб, улар вояга етган ва вояга етмаган шахсларга бир хил ҳажмда татбиқ этилади. Гарчи ЖПКда вояга етмаганлар иштирокидаги иш юритувга оид алоҳида боб мавжуд бўлса-да, ушбу бобда вояга етмаган жабрланувчининг мустақил процессуал мақоми ва махсус ҳуқуқлари тизимли равишда очиқ берилмаган.

Бу ҳолат формал тенгликни таъминлаётгандек кўринса-да, амалда вояга етмаган жабрланувчининг ёш, психо-эмоционал ҳолати ва ҳаётининг тажрибаси инobatга олинмаслиги сабабли, унинг процессуал ҳуқуқларини реал амалга ошириш имкониятини чеклайди. Шу маънода, умумий жабрланувчи институти доирасида қолиш бола учун етарли ҳуқуқий ҳимояни таъминламайди.

Жиноят-процессуал назарияда кенг тан олинган қоидага кўра, ҳуқуқ субъектларига бир хил ҳуқуқлар бериш ҳар доим ҳам адолатли натижага олиб келмайди. Вояга етмаган жабрланувчи процессуал қарорларни англаш ва онгли қарор қабул қилиш қобилияти, психологик барқарорлиги жиҳатидан катталардан тубдан фарқ қилади.

Шу сабабли, унинг ҳуқуқларини умумий нормалар орқали “механик” тарзда қўллаш моддий адолат принципига зид ҳисобланади. Илмий жиҳатдан қаралганда, боланинг ҳуқуқларини таъминлаш қўшимча ва махсус ҳуқуқий кафолатларни талаб қилади, бу эса алоҳида модда орқали энг самарали тарзда таъминланади.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, болалар — жабрланувчи ва гувоҳларга оид раҳбарий принциплар ҳамда “болага нисбатан дўстона одил судлов” концепциясига мувофиқ, бола процесда фақат жабрланувчи сифатида эмас, балки “алоҳида ҳимояга муҳтож субъект” сифатида тан олинishi лозим.

Халқаро стандартлар боланинг қайта жароҳатлашдан ҳимоя қилиниши, судгача ва суд босқичида болага мос муҳит яратилиши, кўрсатув беришнинг муқобил шакллари, рухий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш алоҳида кафолатлар сифатида белгиланган. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, ривожланган ювенал адлия тизимига эга давлатларда вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари “умумий жабрланувчи институти” доирасида қолдирилмайди. Аксинча, улар учун алоҳида процессуал кафолатлар, махсус тартиб-таомиллар, суд ва тергов органлари учун мажбурий қоидалар белгиланади. Бу эса боланинг процессуал иштироки формал эмас, балки мазмунан самарали бўлишини таъминлайди.

Вояга етмаган жабрланувчининг ҳуқуқларини умумий жабрланувчи институти доирасида қолдириш жиноят процессида боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қодир эмас. Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаган жабрланувчининг махсус процессуал ҳуқуқлари ва кафолатларини белгилайдиган алоҳида модда киритиш норматив ва илмий жиҳатдан асосли ҳисобланади.

Амалдаги тизимнинг асосий муаммоларидан бири процессуал муддатларнинг вояга етмаганларнинг манфаатлари билан уйғунлашмаганлиги ҳисобланади. Яъни, вояга етмаган судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳ сифатида болалар иштирок этган жиноятлар юзасидан ишни судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси муддатларини қисқартириш, жадал тартибда кўриб чиқишни назарда тутувчи тартиб-таомиллар мавжуд эмас. Ўрганилган жиноят ишларида ҳам процессуал муддатлар шу жумладан эҳтиёт чораси сифатида қамокда сақлаш муддатларида вояга етмаганларга нисбатан алоҳида ёндашув кўринмайди.

Мисол учун, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди 2023 йил 20 декабрдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан судланган Ҳ.С.га нисбатан суд муҳокамаси бошқа 8 нафар вояга етган судланувчи билан бирга судланган, тергов ва суд муҳокамаси 3 ойдан ошиқ давом этган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди томонидан 1-2001-2502/78-сонли жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а”, “в” бандлари, 190-моддаси 6-қисми “б” банди, 19211-моддаси 2-қисмининг “а”, “б” бандлари, 228-моддаси 2-қисмининг “а”, “б” бандлари, 228-моддаси 3-қисми билан айбланган А.га нисбатан 07.09.2024 йилда “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2025 йил 30 апрель куни ҳукм чиқарилган яъни салкам етти қамокда сақланган.

Жиноят ишлари бўйича Охангарон шаҳар суди томонидан 1-1120-2501/83-сонли жиноят иши бўйича ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисм билан айбланган 2025 йил 27 январда

қамоққа олинган Т.га нисбатан ҳукм 2025 йил 1 август куни чиқарилган яъни судланувчи вояга етмаган 8 ой қамоқда сақланган [10].

Мазкур амалиёт балоғатга етмаган болага тегишли ҳар қандай ишни бошланишиданок тезкорлик билан, бирор-бир кераксиз ушланишларга йўл қўймасдан юритиш [4], олдиндан қамоқда сақланаётган вояга етмаган шахсга нисбатан расмий айблов қўйилиши ва у қамоққа олинган кундан бошлаб кўпи билан ўттиз кун ичида суд ёки бошқа ваколатли, мустақил ва холис орган олдида ҳозир бўлиши, иш бўйича якуний қарор эса олти ойдан кечиктирмай қабул қилиниши лозимлиги ҳақида тавсияларга мувофиқ эмас.

Бирок, вояга етмаганлар учун қамоқда сақлашнинг энг кўп муддати (етти ойгача) катталар учун белгиланган энг кўп муддат билан бир хил бўлиб, БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан тавсия этилган максимал муддатдан ошади.

Бундан ташқари тергов органи ва суд биноларини вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мослаштириш, кўрсатув бериш жараёнида танаффуслар белгилаш, суд мажлислари боланинг ёши ва етуклик даражасига мос келадиган куннинг вақтида тайинланишини таъминлаш, шунингдек болани судга фақат зарур ҳолларда чақиришни кафолатлайдиган тегишли хабардор қилиш тизимини яратиш ҳамда боланинг гувоҳлик кўрсатмалари бериш жараёнини енгиллаштирувчи бошқа чораларни кўриш лозимлиги ҳақида тавсиялар ҳам деярли инобатга олинмаслиги аниқланди.

Фикримизча, процессуал муддатларни оптималлаштиришга сўроқлар сонини чеклаш, яъни вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини олишда махсус тартиб-таомиллар қўллаш, бевосита процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёни билан боғлиқ бўлмаган алоқаларни камайтириш, кўрсатувларни видеоёзув орқали қайд этиш орқали эришилиши мумкин.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бешинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш якунлари юзасидан БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга тааллуқли бир қатор тавсиялар берилган. Жумладан:

болаларга шикоят қилишнинг махфий, болалар учун дўстона механизмларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш ва уларни улардан фойдаланишга ундаш;

болаларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ барча ҳолатлар, жумладан, жинсий зўравонлик, болаларга дўстона ва кўп тармоқли ёндашувни қўллаган ҳолда тезкор тергов

қилинишини ҳамда болаларнинг кўрсатмалари кечиктирмасдан аудио-видео ёзиб олинишини ва суд муҳокамаси давомида далил сифатида берилишини таъминлаш;

болаларга нисбатан зўравонлик, шу жумладан жинсий зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар содир этган шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши ва уларга тегишли жазо чоралари қўлланилишини ҳамда зарур ҳолларда жабрланувчиларга товон тўланишини таъминлаш;

болаларга нисбатан қийноққа солиш ва шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳақидаги даъволарни, шу жумладан полиция томонидан сўроққа тутилганда, текшириш, айбдорларни тегишли жазо чоралари билан самарали таъқиб қилиш ва жавобгарликка тортиш ва жабрланувчиларга одил судловдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва адвокатларга болалар билан ишлаш, болаларга дўстона ва болаларга нисбатан сезгир тергов усуллари бўйича тренинглар ўтказиш;

жабрланувчи болаларга зарур ёрдам ва хизматлардан, жумладан, психологик ёрдам ва ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

жиноят процессида жабрланувчилар ва гувоҳларни ҳимоя қилиш тартиб-таомилларини белгилаш, уларнинг товон ундириш ҳуқуқидан хабардорлигини таъминлаш, ҳамда прокурорлар ва судьяларни бу борада ўқитиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг Бешинчи даврий маърузаси юзасидан БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида” қўшма қарорида [6] тавсияларнинг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар шу жумладан:

ҳалқаро стандартларга мувофиқ болаларга нисбатан одил судловни амалга оширишнинг ихтисослаштирилган тизимини шакллантириш;

миллий қонунчиликни болаларга нисбатан одил судловнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш, шу жумладан одил судловни таъминлаш чораларини жорий этиш ҳамда ҳуқуқбузар болалар, жиноят қурбонлари ва гувоҳларининг болалари, маъмурий иш юритишга жалб қилинган болалар учун ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш;

миллий қонунчиликни болаларга нисбатан одил судловнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш, шу жумладан одил судловни таъминлаш чораларини жорий этиш

хамда ҳуқуқбузар болалар, жиноят қурбонлари ва гувоҳларининг болалари, маъмурий иш юритишга жалб қилинган болалар учун ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш кўзда тутилган.

Айни вақтда вояга етмаган ҳуқуқбузар билан жабрланувчини яраштиришга кўмаклашишга, жазодан озод қилинган вояга етмаганларни жамоатчилик томонидан назорат қилишга қаратилган махсус дастурлар мавжуд эмас, ваҳоланки БМТнинг Ар-Риёд раҳбарий тамойиллари ва Пекин қоидаларида (11.4 банди) уларнинг зарурлиги уқтириб ўтилган: “Балоғатга етмаган болалар ишини кўриб чиқишнинг дискрецион мазмунини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида жамоа доирасида вақтинча назорат қилиш ва бошқариб туришни, жабрланувчининг реституцияси ва компенсациясини кўзда тутувчи муайян дастурларни амалга ошириш зарур” [3, Б. 20].

Тадқиқот натижалари таҳлили. Бирок, Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунида белгиланган хавфсизлик чоралари асосан вояга етганларга мўлжалланган ва вояга етмаганлар учун мўлжалланган чоралар тизими амалда мавжуд эмас, ваҳоланки вояга етмаганларда бунга кўпроқ зарурат мавжуд.

Қонунда кўзда тутилган хавфсизлик чоралари, вояга етмаганларнинг ёш, психологик ҳолати ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган махсус механизмлар сифатида шакллантирилмаган.

Хусусан, қонунда вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳнинг қайта жароҳатланиши хавфини камайтириш, уни жиноят содир этган шахс билан тўғридан-тўғри мулоқотдан ҳимоя қилиш, болага мос сўроқ муҳитини яратиш, психологик қўллаб-қувватлашни мажбурий тарзда таъминлаш каби махсус хавфсизлик чоралари тизимли равишда назарда тутилмаган. Натижада, болалар учун хавфсизлик тушунчаси фақат жисмоний хавфдан муҳофаза қилиш билан чекланиб, психологик, ижтимоий ва эмоционал хавфсизлик жиҳатлари эътибордан четда қолмоқда.

Бу ҳолат халқаро стандартлар билан қиёслаганда янада яққол намоён бўлади. Пекин қоидалари, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ҳамда “болага нисбатан дўстона одил судлов” концепциясига мувофиқ, вояга етмаган иштирокчиларга нисбатан хавфсизлик чоралари фақат муҳофаза қилишга эмас, балки боланинг рухий ҳолатини асраш, унда жиноят процесси билан боғлиқ кўркув ва стрессни камайтириш, боланинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини таъминлашга қаратилган бўлиши шарт. Демак, бола учун хавфсизлик — бу жисмоний муҳофаза билан бир қаторда рухий ва процессуал ҳимояни ҳам ўз ичига олувчи комплекс тушунчадир.

Қонунчиликда эса вояга етмаганлар учун бундай комплекс ёндашув шаклланмагани сабабли, улар жиноят процессида катталар билан бир хил хавфсизлик моделлари доирасида қолмоқда. Бу эса ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштириш орқали, амалда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳолатини заифлаштиришга олиб келади.

Бу ҳолат жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳуқуқлари самарали таъминланмаслигига, уларнинг процессда иштирок этишдан қўркишига ёки ҳаққоний кўрсатувлар бермаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун, вояга етмаганларни жиноят процесси иштирокчиси сифатида ҳимоя қилиш масаласида алоҳида, мустақил ва махсус хавфсизлик чоралари тизимини шакллантириш, уни жиноят-процессуал қонунчилик ва махсус қонунлар даражасида мустаҳкамлаш зарур. Бундай тизим болаларнинг нафақат жисмоний, балки психологик ва ижтимоий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Жумладан, мазкур чоралар тизимига

a) процесснинг ҳар қандай босқичида вояга етмаган — жабрланувчи ва гувоҳлар билан гумон қилинувчи(айбланувчи) ўртасида бевосита алоқанинг олдини олиш;

b) шу мақсадда тақиқловчи суд ажримларидан фойдаланиш;

c) айбланувчига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўллашда “алоқани истисно этувчи” махсус шартларни белгилаш;

d) зарур бўлган барча ҳолларда вояга етмаган — жабрланувчи ва гувоҳларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан муҳофаза қилишни таъминлаш, шунингдек уларнинг жойлашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор этмаслик орқали ҳимоя қилишни киритиш мумкин.

Шу мақсадда, вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳларни ҳимоя қилишда тақиқловчи суд ажримларидан (protective / restraining orders) фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Тақиқловчи суд ажрими институти вояга етмаган иштирокчиларни жиноят процессида ҳимоя қилишда жисмоний хавфсизлик билан чекланиб қолмасдан, психологик барқарорлик ва процессуал эркинликни таъминлашга қаратилган махсус ҳуқуқий механизм ҳисобланади. Ушбу институт судни бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг марказий субъекти сифатида мустаҳкамлаб, халқаро стандартларда белгиланган болага нисбатан дўстона одил судлов тамойилларини миллий қонунчиликка интеграция қилиш имконини беради. Бундай ажримлар, аввало, болани жиноят содир этган шахс ёки унга алоқадор бошқа шахслар томонидан тақрорий босим, таҳдид ёки таъсирга учраш хавфидан муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Вояга етмаган жабрланувчининг ҳуқуқларини умумий жабрланувчи институти доирасида қолдириш жиноят процессида боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қодир эмас. Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаган жабрланувчининг махсус процессуал ҳуқуқлари ва қафолатларини белгилайдиган алоҳида модда киритиш норматив ва илмий жиҳатдан асосли ҳисобланади.

Хулоса. Вояга етмаганларга оид жиноят ишлари бўйича иш юритувни фақат болалар томонидан содир этилган жиноятлар билан чеклаш назарий жиҳатдан асосли эмас, процессуал қафолатлар боланинг ишдаги мақомига эмас, балки унинг ёш ва рухий-ижтимоий заифлигига асосланиши лозим. Шу сабабли, вояга етмаганлар иштирок этган барча жиноят ишларини ягона махсус процессуал режим доирасида бирлаштириш болаларга нисбатан одил судловнинг функционал ва халқаро стандартларга мос моделини шакллантиришга хизмат қилади.

1. Амалда суд муҳокамасида психолог, педагог, ижтимоий ходимнинг ижтимоий ҳисобот бериш тартиби мавжуд эмаслиги, суднинг ижтимоий муҳитни мустақил ўрганиш ваколати чекланганлиги, суд тергов органлари тўплаган материаллардан келиб чиқишга мажбурлиги, 548-модда талаб қилган ҳолатларни аниқлаш юзасидан институционал ва процессуал жиҳатдан имкониятлари чекланганлигини кўрсатади.

2. Вояга етмаганларни жиноят процесси иштирокчиси сифатида ҳимоя қилиш масаласида алоҳида, мустақил ва махсус хавфсизлик чоралари тизимини шакллантириш, уни жиноят-процессуал қонунчилик ва махсус қонунлар даражасида мустаҳкамлаш зарур. Бундай тизим болаларнинг нафақат жисмоний, балки психологик ва ижтимоий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Жумладан, мазкур чоралар тизимига

а) процесснинг ҳар қандай босқичида вояга етмаган — жабрланувчи ва гувоҳлар билан гумон қилинувчи(айбланувчи) ўртасида бевосита алоқанинг олдини олиш;

б) шу мақсадда тақиқловчи суд ажримларидан фойдаланиш;

с) айбланувчига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўллашда “алоқани истисно этувчи” махсус шартларни белгилаш;

д) зарур бўлган барча ҳолларда вояга етмаган — жабрланувчи ва гувоҳларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан муҳофаза қилишни таъминлаш, шунингдек уларнинг жойлашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор этмаслик орқали ҳимоя қилишни киритиш мумкин.

3. Тақиқловчи суд ажрими институти вояга етмаган иштирокчиларни жиноят процессида ҳимоя қилишда жисмоний хавфсизлик билан чекланиб қолмасдан, психологик барқарорлик ва процессуал эркинликни таъминлашга қаратилган махсус ҳуқуқий механизм ҳисобланади. Ушбу институт судни бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг марказий субъекти сифатида мустаҳкамлаб, халқаро стандартларда белгиланган болага нисбатан дўстона одил судлов тамойилларини миллий қонунчиликка интеграция қилиш имконини беради. Бундай ажримлар, аввало, болани жиноят содир этган шахс ёки унга алоқадор бошқа шахслар томонидан такрорий босим, таҳдид ёки таъсирга учраш хавфидан муҳофаза қилишга хизмат қилади.

4. Вояга етмаган жабрланувчининг ҳуқуқларини умумий жабрланувчи институти доирасида қолдириш жиноят процессида боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қодир эмас. Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаган жабрланувчининг махсус процессуал ҳуқуқлари ва кафолатларини белгилайдиган алоҳида модда киритиш норматив ва илмий жиҳатдан асосли ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. De Bondt, W. and Lauwereys, H., ‘Children’s rights and child participation in criminal proceedings’. In Pereira, R., Engel, A., and Miettinen, S. (Eds.), *The Governance of Criminal Justice in the European Union, Transnationalism, Localism and Public Participation in an Evolving Constitutional Order* (Cheltenham: Edward Elgar Publishing, 2020): 232–268.

2. Sztranyiczki S. *Protection of children against violence // Children’s Rights in Regional Human Rights Systems*. — Cambridge: Intersentia, 2024. — P. 142–145.

3. Мируктамова Ф.Л. Вояга етмаганлар одил судловининг халқаро стандартлари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2021. – 20-б.

4. БМТнинг Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари).

(United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (The Beijing Rules).)

5. Руководящие принципы, касающиеся правосудия в вопросах, связанных с участием детей-жертв и свидетелей преступлений. Приняты резолюцией 2005/20 ЭКОСОС от 22 июля 2005 года; Факультативный протокол к Конвенции ООН о правах ребенка, касающийся торговли детьми, детской проституции и детской порнографии, 8-модда.

(United Nations Guidelines on Justice in Matters Involving Child Victims and Witnesses of Crime. Adopted by ECOSOC Resolution 2005/20 of 22 July 2005; Optional Protocol to the Convention on the Rights of the Child on the Sale of Children, Child Prostitution and Child Pornography, Article 8.)

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 21.02.2024 йилдаги 4068-IV-сон қўшма қарори. (Joint Resolution No. 4068-IV of 21 February 2024 of the Council of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan and the Council of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. Available at: <https://lex.uz/docs/6848811>)

7. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 2008 йил 7 январдаги Қонуни. (Law of the Republic of Uzbekistan “On Guarantees of the Rights of the Child” of 7 January 2008.)

8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <http://lex.uz>.

(Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. Available at: <http://lex.uz>)

9. Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни.

(Law of the Republic of Uzbekistan “On Protection of Victims, Witnesses and Other Participants in Criminal Proceedings.”)

10. <https://public.sud.uz/>